ЮРТГА 1.107,5 ТОННА ПИЛЛА АРМУҒОН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 106 (2397).

31 МАЙ ЖУМА 1963 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Киев область Кагарлик колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг иши тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Киев область Кагарлик колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. Р. Риндининг докладини тинглади ва бошқарманинг иши тўғрисида қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети шуни қайд қилдики, Кагарлик колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси колхоз ва совхозларга раҳбарликни яхшилаш соҳасида катта иш қилмоқда. Бу бошқарма ишларини анализ қилиш шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш бошқармалари колхоз ва совхозларни бошқаришнинг принципиал жиҳатдан янги, янада мукаммал формаси бўлди. Ишлаб чиқариш бошқармалари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари янги шароитларда ҳар бир хўжаликда ишлаб чиқаришни моҳирлик билан ташкил этиш, жуда кўп имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш учун катта имкониятларга эгадирлар.

Кагарлик ишлаб чиқариш бошқармаси асосий эътиборини колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишнинг туб масалаларига:

— фан ва илғор тажриба ютуқларини колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига жорий қилишга;

— ердан яхшироқ фойдаланишга ва экинзорларнинг ҳар гектари ҳисобига кўпроқ маҳсулот олиш имконини берадиган экин майдонларининг рационалроқ структураси бўлишига;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга:

— ходимларни ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб этиш мақсадида идора хизматчилари сонини қисқартиришга;

—қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига чорва молларни ва хусусан сигирлар сонини кўпайтиришга чорвачиликнинг махсулдорлигини оширишга;

— маҳсулот бирлигига бўладиган меҳнат сарфини қисқартиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтириш ва барча хўжаликларни илғор хўжаликлар даражасига кўтаришга қаратди.

Ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия ташкилоти иқтисодий жиҳатдан заифроқ хўжаликларга ёрдам беришнинг конкрет ташкилий формаларини топдилар. «Коммунар», Мичурин номли, «Дружба», Горький номли колхозлар ва бошқа колхозлар раис, бригада бошлиқлари ва ферма мудирларидан иборат кадрлар билан мустаҳкамланди. Чорвачилик фермаларида ишлаш учун 109 коммунист ва 450 комсомол аъзоси юборилди. Тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналарини, транспорт воситаларини, минерал ўғитларни, заҳарли моддаларни ва бинокорлик материалларини сотиб олиш ҳамда улардан яхшироқ фойдаланишда колхозларга ёрдам кўрсатилди.

Бошқарма ва партия комитети иқтисодий жиҳатдан заифроқ хўжаликларга тажрибали кадрлар билан, шунингдек мавжуд имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш юзасидан маслаҳат ва консультация бериш билан ёрдам кўрсатиш соҳасида илғор колхозларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Илғор колхозлардаги кўп бригада бошлиқлари ва мутахассислар заиф колхозларга бориб ишлайбошладилар.

Кўрилган тадбирлар натижасида 1962 йилда илгари қолоқ бўлган колхозларда олинган ялпи дон ҳосили анча кўпайди. Жданов номли колхозда дон етиштириш 23 минг центнердан 28 минг центнерга, «Дружба» колхозида 28 минг центнердан 33 минг центнерга, Ленин номли колхозда 15 минг центнердан 18 минг центнерга етди. Бу колхозларнинг олган ҳосили илғор хўжаликларда етиштирилган ҳосил миқдорига етай деб қолди. Гўшт, сут ва тухум етиштириш ҳам ортди, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори ошди.

Бундай натижаларга экин майдонларининг яхшироқ структурасини белгилашда бошқарма ходимларининг конкрет ёрдами туфайли, яхши навли уруғлар экиш, фан ва практика ютуқларидан кенг фойдаланиш туфайли эришилди.

1962 йилда нўхат экилган майдонлар 4,5 минг гектар, маккажўхори майдонлари 9,2 минг гектар ва молга егизиладиган қанд лавлаги майдонлари минг гектар кенгайтирилди.

Ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия ташкилоти фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалалари билан конкрет шуғулланмоқдалар. Бошқарма ходимлари кузги буғдойнинг юқори ҳосилли «мироновская — 264» ва «мироновская — 808» навларини барча хўжаликларда экишга ёрдам бердилар. Колхоз ва совхозлар бу йил юқори ҳосилли «буковинский—3» гибрид маккажўхори уруғларини ва тез пишадиган, юқори ҳосилли «рамонский—77» навли нўхатни экишга киришдилар. Қўл меҳнати сарфламай янги технология асосида қанд лавлаги етиштириш, чопиқ қилинадиган экинлар етиштиришни комплекс механизация усули қунт билан жорий қилинмоқда.

Бошқарманинг мутахассислари ҳар юз гектар ер ҳисобига чорва моллар ва хусусан сигирлар сонини ошириш бутун қишлоқ хўжалиги учун бир мезон эканлигини тушуниб, бу вазифани ҳал этишда колхозларга жиддий ёрдам бермоқдалар. Хўжаликларда сигир боқиб ўстириш учун ихтисослаштирилган фермалар ташкил этилди. Бу фермаларда ишлаш учун энг тажрибали чорвадорлар юборилди, меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш системаси ишлаб чиқилди, социалистик мусобақа уюштирилди. Буларнинг ҳаммаси кўп колхозларнинг бир йил ичида сигирлар туёғини анча кўпайтиришлари учун имконият яратиб берди. Ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган фермаларда бир ёшдан катта 15 минг гунажин бор. Бу эса, бошқармадаги колхоз ва совхозларда сигирлар туёғини бир ярим-икки йил ичида қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ер ҳисобига 22—24 бошга етказиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия комитети фан ва илғор тажриба ютуқларини пропаганда қилишнинг актив ва таъсирчан формасини кенг қўлланмоқдалар. Улар илғор хўжаликларда, бевосита дала ва фермаларнинг ўзида колхоз ва совхоз раҳбарлари, мутахассислари, бригада бошлиқлари, ферма мудирлари ва бошқа ходимларнинг семинарларини уюштирмоқдалар. Колхоз ва совхозларда илғор тажрибани ўргатадиган 136 мактаб ишлаб турибди. Бу мактабларда колхозчилар ва совхоз ишчиларидан 2.600 киши ўқимоқда.

Фан ва практика ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, экин майдонларининг структурасини яхшилаш, далаларда агротехникани юксак даражага кўтариш, юқори ҳосилли навларни кўплаб экишга киришиш ва бошқа тадбирлар 1962 йилда 80 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24,5 центнердан дон экинлари ҳосили олишни таъминлади. Давлатга 1961 йилдагидан 8.713 тонна кўп дон, 1.376 тонна кўп гўшт, 677 тонна кўп сут ва 1 миллион дона кўп тухум сотилди.

Ишлаб чиқариш бошқармаси колхоз ва совхозларнинг экономикасига жиддий эътибор бермоқда. Колхоз ва совхозлар майда бригада ва фермаларни йириклаштириб, ортиқча лавозимларни тугатиб, маъмурий-бошқарув ва идора ходимларидан иборат бўлган 616 штатни қисқартирдилар. Бунинг натижасида йилига 300 минг сўмдан кўпроқ маблағ тежалади.

Бошқарма раҳбар ходимларнинг меҳнатига хўжаликнинг иқтисодий тараққиёти, маҳсулот етиштириш ва уни реализация қилишга қараб ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқди ва бу тартибни колхозларга тавсия этди. Бошқарманинг экономистлари ва бухгалтер-ревизорлари хўжаликларда учет ишларининг аҳволини текшириб чиқмоқдалар ва маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнатни қандай қилиб тўғри ҳисоблаб чиқишни, маҳсулотларнинг таннархини белгилашни, хўжалик ҳисобини жорий қилишни конкрет мисоллар билан колхоз ва совхозларнинг ҳисобчи ходимларига ўргатмоқдалар, бошқа масалаларни ҳам ҳал этишга ёрдам бермоқдалар.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети Кагарлик ишлаб чиқариш бошқармасининг ишида жиддий камчиликлар ҳам борлиги ҳақида қилиб ўтди. Ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия комитети кадрлар билан, хусусан бригада, звено бошлиқлари ва механизаторлар билан ҳали етарли даражада иш олиб бормаётирлар. Улар илғор ишчилар ва колхозчиларнинг ташаббусини ҳамиша ҳам қўллаб-қувватламоқдалар деб бўлмайди.

Бошқарма ходимлари айрим колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кескин суратда кўпайтириш учун мавжуд резерв ва имкониятларни чуқур ўрганмаётирлар. Бир қанча колхоз ва совхозларда дон, техника экинлари ва хашаки экинлар ҳосилдорлигини асосан минерал ўғитлар ҳисобигагина ошириш ҳақида нотўғри йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда, айни вақтда далаларга ўғит солиш учун гўнг ва бошқа маҳаллий ўғитлардан кам фойдаланилмоқда. 1962 йилда ҳар гектар экинзорга бошқарма бўйича ўрта ҳисобда атиги 5,8 тонна маҳаллий ўғит солинган.

Колхоз ва совхозларнинг жамоат чорвачилиги учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрланмаётир. Тайёрланган ем-хашак рационал сарфланмаяпти, бошқармадаги хўжаликларда аралаш ем-хашак тайёрлаш уюштирилмаган, кўп ҳолларда моллар нуқул дон билан боқилмоқда. 1962 йилда бошқармадаги колхозлар чорва моллар боқиш учун сарф қилган 76 минг тонна дондан атиги 3 минг тоннасини ёки 4 процентини аралаш ем-хашаклар ташкил этган. Майдаланмаган ва аралаштирилмаган дон билан боқиш чорвачилик маҳсулотларини етиштириш учун озуқани ортиқча сарфлашга олиб боради.

Колхоз ва совхозларда етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун етарли даражада қураш олиб борилмаётганлиги — бошқарманинг ишидаги жиддий камчиликларнинг биридир. Чорва молларни боқиш ва асрашдаги илғор методларни, уларни боқишнинг энг рационал усулини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида сабот-матонат билан иш олиб борилмаётир. Бошқармадаги хўжаликларда гўшт, сут ва тухумнинг таннархи ҳали ҳам юқори.

Баъзи колхоз ва совхозларда техникадан фойдаланишда тегишли тартиб ўрнатилмаган. Бунинг натижасида машиналар барвақт ишдан чиқиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитети Кагарлик колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига ва партия комитетига бу қарорда кўрсатилган камчиликларни тугатишни топширди. Ҳар бир колхоз ва совхозда оператив ташкилотчилик иши олиб бориш, маҳсулотлар етиштиришни ташкил этиш ва экономикани ривожлантиришда хўжаликларга амалий ёрдам бериш, қишлоқ меҳнаткашларини бошқармадаги колхозчилар ва совхоз ишчилари олган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш— бошқарма ва партия комитетининг асосий иши бўлмоғи керак. Бошқармадаги колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳар гектар ердан 60 центнер маккажўхори дони, 26 центнер буғдой, 25 центнер нўхат, 250 центнер қанд лавлаги етиштириш ва йиғиштириб олиш, колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар 100 гектар ер ҳисобига 320 центнер сут; экинзорларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 52 центнердан гўшт (сўйилган вазнда) ва бошқа ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 11 центнердан гўшт етиштириш мажбуриятини олганлар.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишларни яхшилаш зарур эканлиги кўрсатилиб, ишлаб чиқариш бошқармаси, партия комитети ва колхоз ҳамда совхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг эътибори шунга жалб этилди. КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалигининг тажрибали мутахассисларини, яхши ташкилотчиларни колхозларнинг раиси, бригада бошлиқлари ва чорвачилик фермаларининг мудирлари лавозимларига дадил кўтаришни, кадрларга энг яхши меҳнат намуналари асосида таълим беришни ташкил этишни, колхоз ва совхоз раҳбар кадрларининг ўрнини босиб, уларнинг ишини бажаришга йўл қўймасликни, бюрократизм билан шуғулланмасликни, уларнинг ташаббусига халақит бермасликни, балки, аксинча, уларнинг ўз қобилиятлари ва ташкилотчилик талантларини кенг миқёсда рўёбга чиқаришларига ёрдам беришни тавсия этди.

Колхоз ва совхозларга умумий тарздаги кўрсатма ва директивалар бермай, балки ишлаб чиқаришни бевосита ташкил этиш, моддий бойлик ишлаб чиқараётган кишилар билан доим алоқада бўлиш, кишиларга илғор меҳнат методларини ўргатиш — ишлаб чиқариш бошқармасининг ишида асосий услуб бўлмоғи керак. Бошқарманинг мутахассислари, шунингдек ташкилотчи-инспекторлари колхоз, совхозларда, бригадаларда, ферма ва бўлимларда бевосита иш олиб боришлари, илғор тажрибани қунт билан ўрганишлари ва жорий қилишлари, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва давлатга дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ сотиш учун мавжуд имкониятлардан яхшироқ фойдаланишда хўжаликларга конкрет ёрдам беришлари лозим.

Партия органларининг ишлаб чиқариш принципи бўйича қайта ташкил этилганлиги, партия комитетларининг тузилганлиги, қишлоқлардаги янги партия органлари кадрларининг бутун куч, билим ва ташкилотчилик қобилиятларини ишлаб чиқаришнинг конкрет вазифаларини ҳал этишга, одамлар ўртасида қунт билан иш олиб боришларига имконият яратиб беради. Партия комитети партия ва комсомол ташкилотларининг жанговарлигини астойдил ошириши, коммунистлар ва комсомолларни жой-жойига тўғри тақсимлаши, кадрларни юксак талабчанлик, масъулият ва интизом рухида тарбиялаши лозим.

Партия комитети ва унинг ходимларининг вазифаси — омма орасида кун сайин жонли ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб боришдан, коммунистлар ва партиясизларнинг, қишлоқдаги барча меҳнаткашларнинг ижодий куч-ғайратини ишлаб чиқариш ишларининг бажаришга, партия XXII съездида қабул қилинган коммунизм қуриш программасини амалга оширишга сафарбар қилишдан иборат.

КПСС Марказий Комитети колхозчилар ва совхоз ишчиларининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига ва уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнат ва турмуш шароитини, мактаблар, клублар, медицина муассасалари, ошхоналар ва магазинларнинг ишини яхшилашга қаратилган таклифларига сезгирлик ва эътибор билан қараш зарурлигини кўрсатиб, партия комитетининг ва ишлаб чиқариш бошқармасининг эътиборини шунга жалб этди.

КПСС Марказий Комитети ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетига, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларига колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришни, бу ишни ҳар бир хўжалик олдида турган конкрет вазифалар билан боғлаб боришни, ўзларининг кундалик фаолиятида ҳар бир кишининг калбига йўл топишни, меҳнаткашларни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси талаблари рухида тарбиялашни топширди.

ТАСС АХБОРОТИ

Шу йил 18 ва 25 май кунлари Совет Иттифоқида космик объектларни учирадиган ракеталарнинг такомиллаштирилган вариантлари Тинч океанининг марказий қисмидаги районга 12 минг километрдан узоқроқ масофага учирилди.

Ракеталарнинг учиши ва ҳамма босқичларнинг ҳаракати белгиланган программага мувофиқ ўтди.

Учирувчи ракеталарнинг кейинги босқичларидан олдинги босқичларининг макетлари белгиланган райондаги сувнинг юзасига жуда аниқ бориб тушди.

Такомиллаштирилган учирувчи ракеталарнинг муваффақиятли учирилганлиги космик фазони ўзлаштириш ва Қуёш системасидаги планеталарни ўрганиш соҳасида совет фанини янада ривожлантиришни таъминлайди.

Синовларнинг натижалари яхши бўлиб чиққанлиги сабабли ТАСС ўзига берилган ваколатга биноан шуни билдирадики, ТАССнинг 1963 йил 12 майдаги ахборотида кўрсатилган ҳамда координаталари:

Шимолий кенглиқда	ғарбий узунлиқда
11 градус 41 минут	167 градус 49 минут
9 градус 03 минут	166 градус 34 минут
8 градус 03 минут	168 градус 45 минут
10 градус 41 минут	170 градус 00 минут

билан чеклаб қўйилган район кемаларнинг юриши ва самолётларнинг учиши учун бўшатиб қўйилди.

ВАТАНГА ТУҲФА

Областимизнинг колхоз ва совхозлари КПСС XXII съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва партиямиз Марказий Комитетининг бўлажак июнь Пленуми шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, давлат пилла тайёрлаш планини 29 майда муддатидан илгари муваффақиятли бажардилар.

Ватанга 1.107,5 тонна юқори сифатли қимматли маҳсулот туҳфа қилинди ва план 100,1 процент адо этилди.

Социалистик мажбуриятни Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасининг колхоз ва совхозлари 118,4 процент, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг колхоз ва совхозлари 108,1 процент, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг колхоз ва совхозлари 102,3 процент, Бўка ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаларининг колхоз ва совхозлари 100,1 процентдан бажардилар.

Бекобод бошқармасидаги Навоий номли, Ленин номли, Калинин бошқармасидаги Генерал Раҳимов номли, Ленин номли, Киров номли, «Маданият», Оққўрғон бошқармасидаги «Партия XXII съезди», «Ленинобод», Ҳамид Олимжон номли, Димитров номли, Янгийўл бошқармасидаги «Шарқ юлдузи», Фрунзе номли, Карл Маркс номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «Октябрь 40 йиллиги», Навоий номли, Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Ленин йўли», «Полярная звезда», Энгельс номли, Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Политотдел», Бўка бошқармасидаги Охунбобоев номли, Свердлов номли колхозлар ва бошқа бир қатор хўжаликлар ўз социалистик мажбуриятларини анча ошириб адо этдилар.

Областдаги 2-«Далварзин», «Чаноқ», «Қорасув», «Тошкент», «Партия XXI съезди», Киров номли, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Оққўрғон» ва «Пискент» совхозлари ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Кўпчилик бригада ва звенолар, илғор пиллачилар ипак қуртларини тезкорлик билан боқиб, пилладан мўл ҳосил олдилар. Янгийўл бошқармасидаги Калинин номли колхоздан Латифа Мирубаева, Калинин бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоздан Валентина Раҳматуллаева, шу бошқармадаги «Партия XXII съезди» колхозидан Зайния Юсупова, «Правда» колхозидан Сафаргул Эрмонова, «Қорасув» совхозидан Шарифа Орифхўжаева, Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Политотдел» колхозидан Екатерина Пак, Мария Пак ва Шарифа Турмонова, Бўка бошқармасидаги Тельман номли колхоздан Жамила Тўрахонова ва Ойша Дадабоева ўртоқлар ҳар қути уруғдан 100—120 килограммдан пилла олдилар.

Давлатга пилла топшириш давом этмоқда. Область пиллачилари ўз имкониятларини аниқлаб чиқиб, давлатга пландагидан ташқари яна камида 1000 центнер пилла сотиш ва шу йилнинг ўзидаёқ пилла етиштириш сохасида 1964 йилга белгиланган даражага етишга қарор қилдилар.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг колхозчилари, совхоз ишчилари КПСС XXII съезди ва Марказий Комитет ноябрь Пленуми тарихий қарорларини амалга оширабориб, 28 майда пилла етиштириш ва тайёрлаш бўйича ўз социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. 4652 қути қурт уруғидан пландаги 267 тонна ўрнига 270 тонна 358 килограмм пилла тайёрланди. Ҳар қути уруғдан 58 килограммдан пилла олинди.

Пилла етиштириш ва тайёрлаш бўйича олинган социалистик мажбуриятларини С. Раҳимов номли колхоз 124,7 процент, Охунбобоев номли колхоз 122,4 процент, Киров номли колхоз 118,7 процент, «Ленинград» колхози 111,4 цроцент, «Правда» колхози 107,8 процент, Ленин номли колхоз 114,2 процент, Свердлов номли колхоз 111,6 процент, Ильич номли колхоз 104,5 процент Навоий номли колхоз 112,1 процент бажардилар. XXI партсъезд номли совхоз 105,9 процент, «Келес» совхози 103 процент, «Тошкент» совхози 102 процент, «Қорасув» совхози 102 процент бажардилар.

Бошқарманинг илғор пиллачиларидан В. Раҳматуллаева, (Охунбобоев номли колхоз) ҳар қути қурт уруғидан 112 килограмм, З. Юсупова (XXII партсъезд номли колхозидан) 100,6 килограмм, С. Эрмонова («Правда» колхози) 108 килограмм, Ш. Орифхўжаева (Қорасув совхози) 120 килограмдан ипак олдилар.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг колхоз ва совхозлари ўз имкониятларини ҳисоблаб кўриб, давлатга қўшимча равишда 25 тонна ипак топшириш мажбуриятини олдилар.

МАРРАГА ЕТДИЛАР

ЧИНОЗ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан телефон орқали олинди). Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Октябрь» колхозининг пиллакорлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан нишонлаш мақсадида социалистик мусобақани қучайтириб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар.

Пиллакорлар қуртларни жадал усулда парваришлаб, уларнинг соғлом ўсишига ҳамда мўл-кўл пилла ҳосили етиштирилишига муваффақ бўлдилар. Колхоз бўйича давлатга 23 майга қадар 7 минг 750 килограмм юқори сифатли пилла топширилиб, план 100 процент адо этилди. Ҳар қути қурт уруғидан 55 килограммдан пилла етиштириш учун курашаётган колхозчилар ҳосил топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Хўжаликнинг машҳур пиллакори Қаҳрамон она Қурбоной Олламуродова бу йил ҳам пешқадамликни қўлдан бермади. У оиласи билан 3 қути қурт боқиб, ҳар қути ҳисобига 100 килограммдан пилла топширди. Бундай илғорлар колхозда ўнларча топилади.

ҲИССА

Бригада аъзолари Шарофатнинг тайёрлов пунктидан тез-роқ қайтишини сабрсизлик билан кутишарди.

Неча килограмм чиқди экана, Орзигул? — дея мурожаат қилди Фотима ёнида ғоаларнинг остини тозалаб юрган дугонасига.

Орзигул бир зум ўйланиб, пунктга жўнатилган пиллани чамалай бошлади.

— 40 килоча чиқса керак, — деди у ниҳоят Фотимага ўгирилиб.

Шу пайт қуртхонага югурганча Турсуной кириб қолди. У энтика-энтика қизларга мурожаат қилди:

— Келишди, келишди...

Бу хабар қизларни бехад қувонтириб юборди. Улар биринкетин ташқарига чопишди. Шарофат мактаб ҳовлисида директор Шарифхон ака Ашрапов билан суҳбатлашиб турарди. Ниҳоят улар қизларни табриклашди.

— Роса 43 килограмм чиқибди. Табриклайман, — деди директор қизларга. — Ваъдани сўзсиз бажарадиган кўринасизлар.

Ҳа, бу йил Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Крупская номли 9-ўнбир йиллик мактабнинг 10-синф ўқувчилари пилладан мўл ҳосил етиштирдилар. Шарофат Абдуллаева бошлиқ пиллакор ўқувчилар бригадаси тўрт қути қурт уруғини меҳр билан парвариш қилдилар.

Натижада пилла мўл бўлди. Дастлабки ҳосиблаг қараганда ўқувчилар бригадаси ҳар қути ҳосибига 56 ўрнига 90 килограммданга яқин ҳосил олдилар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

Бугун Хайри Жўраева билан Хурсаной Абдукаримованинг қувончи чексиз. Бу қувончнинг боиси — мўл пилла, пилла эмас тилла хирмонидир. Сабзавот-полиз экинлари илмий-текшириш институтининг бу икки чевари бу йилги қурт боқиш мавсумида ҳаммага ўрнак кўрсатиб ишлади. Натижа чакки бўлмади — уларнинг ҳар бири ярим қути ипак қуртидан 43 килограммдан ошириб аъло навли пилла ҳосили олди. Фотомухбиримиз В. Салов олиб келган мана бу суратда Хайри Жўраева (чапда) билан Хурсаной Абдукаримовани кўриб турибсиз.

Туркия буюк миллат кенгаши делегацияси Москвага келди

МОСКВА, 29 май. (ТАСС). СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, сенат раиси Суват Хайри Ўргюплю бошлиқ Туркия Буюк миллат мажлиси делегацияси бугун Москвага келди.

Туркия ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. И. Козлов, СССР Олий Совети палаталарининг раислари И. В. Спиридонов ва Я. В. Пейве, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе ва бошқалар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Туркиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Фахри Корутюрк, Туркия элчихонасининг дипломатик ходимлари бор эди.

Аэродромда И. В. Спиридонов ва С. Х. Ўргюплю дўстона нутқ сўзладилар.

ТУНГИ СМЕНАЛАР МИҚДОРИ КЕСКИН КАМАЙТИРИЛАДИ

СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитети билан Касаба союзлари Бутуниттифоқ марказий совети «Тўқимачилик саноати корхоналаридаги иш режими тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Уч сменада ишлаётган корхоналарда СССР Министрлар Совети СССР Халқ хўжалиги олий кенгашининг бюроси маъқуллаган сменалар графигини тегишли касаба союз органлари билан келишиб жорий қилиш халқ хўжалиги кенгашларига тавсия этилди. Бу график тунги сменаларни анча қисқартиришни ҳамда иш куни 8 соатли бўлгани ҳолда икки дам олиш куни бериладиган меҳнат хафтасини жорий қилишни кўзда тутади. Тунги сменаларнинг миқдори 4,2 баравар қисқартирилади.

Корхоналарни янги графикка кўчириш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг планлаштирилган ҳажмини камайтирмаган ва меҳнат унумдорлигини кўпайтиришга путур етказмаган ҳолда амалга оширилиши керак. Ишлаб чиқаришни янги шароитда ишлашга пухта тайёрлаш ҳамда айни маҳалда турли ёрдамчи корхоналар ва маданий-маиший муассасалар (энергетика хўжалиги, болалар боғчалари, яслилари, ошхона ва буфетлар, клублар, ишчи ёшлар мактаблари, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, транспорт ва қоҳозаларнинг режимини графикка мослаштириб қайта қуриш зарурлиги қарорда таъкидлаб ўтилади.

Янги методни ҳозирдаёқ қўллана бошлаган корхоналарнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тунги сменалар миқдорининг камайтирилиши меҳнатни тўғрироқ ташкил этиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради ҳамда тўқимачилик саноатида ишлаб турган аёлларнинг ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги шароитларини анча яхшилайди. (ТАСС).

КИНО САНЪАТИ — ОММАГА

Совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда кинонинг роли ғоят катта.

Областимиз шаҳарларида насаба союз киноустановкалари қандай ишлаяпти, аҳолига кино хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун нималар қилиш керак? Тошкент саноат область партия комитети идеология комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида шу масала муҳокама қилинди. Йиғилишда клуб ва маданият саройларининг мудирлари, идеология комиссияларининг раислари ва насаба союз ходимлари иштирок этдилар.

Тошкент саноат область насаба союзлари советининг секретари Ўртоқ З. Содиқов йиғилишда ахборот бериб, шу йилнинг биринчи кварталида Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида аҳолига кино хизмати кўрсатиш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда бир мунча ёмонлашганлигини кўрсатиб ўтди.

Касаба союз киноустановкалари ишининг ёмонлашиб кетганлигига асосий сабаб нима? Касаба союз клублари томошабинларни уюштириш, қайта намойиш қилинадиган фильмлар репертуарини тўғри танлаш, уларни кенг ташвиқ қилиш ҳақида чинакам қайғирмаётирлар.

Йиғилишда Чирчиқдаги химиклар маданият саройи директори А. П. Нестеренко Химиклар маданият саройида томошабинлар билан оммавий ишлаш яхши йўлга қўйилганлиги, тез-тез тематик кинофестиваллар ташкил этиб турилаётгани ҳақида гапирди.

Идеология комиссиясининг тузилиши, унинг функцияси тўғрисида область партия комитети идеология комиссияси раисининг ўринбосари, тарих фанлари кандидати А. Ф. Водолазский сўзлаб берди.

Йиғилишда Тошкент саноат область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова сўзга чиқди.

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси Аҳмад Ибдиевнинг номини фабрика коллективи ҳурмат билан тилга олади. Чунки бу моҳир пойафзалчи кунлик нормасини 130-140 процентдан адо этиб, доимо сифатли маҳсулот тайёрлайди. Суратда: ўртоқ А. Ибдиев иш устида.

А. Тўраев фотоси.

МАНМАНЛИК ЗАРАРЛИ ЙЎЛ

Яқинда Ленин район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Тошкент шаҳар партия ташкилотининг раҳбар кадрлар билан ғоявий-тарбиявий ишлари тўғрисидаги қарори ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда район партия комитетининг секретари Ўртоқ И. Умаров доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар партиямиз Марказий Комитети кадрларнинг ғоявий-сиёсий савиясини оширишга ниҳоятда катта аҳамият бераётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтдилар. Буни Ленин район партия ташкилоти мисолидан ҳам кўриш мумкин. Районда кадрлар билан ишлаш, уларни таниш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда бир мунча ишлар амалга оширилди. Партия ташкилотларининг секретарлари ва корхоналарнинг раҳбарлари сон ва сифат жиҳатидан яхшиландилар. Уларнинг кўпчилиги олий маълумотлидирлар.

Район партия комитети раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни борган сари ошириб бормоқда. Уларнинг сиёсий ва назарий билимларини ошириш учун барча қулайликларни яратиб бераётир. Ҳозирги вақтда райондаги 20 мингдан ортиқ киши сиёсий ўқиш тўгаракларига қатнашиб, билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Лекин шу билан бирга кадрларни тарбиялаш соҳасида жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Ҳали айрим раҳбар ходимлар ўзларининг сиёсий билимларини ва иш малакаларини оширишда қунт билан ишламаётирлар. Сиёсий ўқиш тўгаракларига мунтазам равишда қатнашиб турмаётирлар. Айниқса районда мастерларни ўқитиш ёмон ташкил этилган. Октябрь революцияси номли завод партия комитети кадрларни ўқитиш масаласига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқда. Бу ердаги 85 раҳбар кадрдан бор-йўғи 16 киши ўз билимини ошираётир. Ҳали ҳам бу ерда ўрта маълумотга эга бўлмаган раҳбарлар кўпчиликни ташкил қилади.

Савдо шохобчалари ва умумий овқатланиш тармоқларидаги кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида кўзга кўринарли иш қилингани йўқ.

Кўпгина раҳбар кадрлар корхона экономикасини қунт билан ўрганиб, ишга пухта раҳбарлик қилмаётирлар. Бу эса ишлаб чиқаришда илғор методни кенг жорий қилишга тўсиқ бўлмоқда. Корхона ва цехларнинг бир меёрда ишламаслигига сабаб бўлаётир. Бу эса районда ойлик ва квартал ишлаб чиқариш планларини бажармаётган корхоналарнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда ходимларнинг баъзи бир қисми алдамчилик, партия ва давлат интизомини бузиш йўлига тушиб қолганликлари ҳақида ҳам кўпгина фактлар келтирилди. Раҳбарларнинг, айниқса хўжалик раҳбарларининг кўп қисми ҳали ҳам идеология ишидан четда турибдилар. Уларнинг баъзилари оммани ишонтириш ва уюштириш методи ўрнига кўпол маъмуриятчилик методини ишлатмоқдалар. Кибрланиб кетаётирлар. Шундай раҳбарлар борки, улар йиллаб ўзлари ишлаб турган коллектив олдида сиёсий докладлар қилмайдилар. Лекциялар ўқимайдилар. Тушунтириш ишлари олиб бормайдилар. Бунинг ўрнига турли баҳоналарни рўкач қилиб ходимларни жазолашни осон деб биладилар. Трамвай-троллейбус трестининг раҳбарлари ана шундай ярамас раҳбарлик иш услубидан воз кечмаганлар. Бу ерда ишчиларни рағбатлантириб туриш, илғорларни ҳурмат таҳтасига ёзишга эътибор берилмайди. Бу албатта ярамайди. Ҳозирги замондаги раҳбар кадрларнинг ҳарактерли хусусияти фақат ишлаб чиқаришни билишдагина иборат бўлмасдан, шу билан бирга одамларни ишонтириш, тарбиялаш ва ташкил этиш, уларга ўз вақтида ёрдамга келиш маҳоратига ҳам эга бўлишдан иборатдир.

Актив йиғилишида «Красная заря» фабрикасининг директори ўртоқ Аҳмадалиевнинг иш услубидаги камчиликлар ҳам тилга олинди. У ишчилар ўртасида камдан-кам бўлади. Лекция ва суҳбатлар ўтказиб турмайди. Аксинча унинг кўп вақти турли хилдаги кенгаш ва йиғилишларда ўтади. Сўзга чиққан ўртоқлар айрим раҳбар ходимларнинг бюрократлашиб кетганлигини, кишиларни менсимай қўйганлиги ҳақида кўп мисоллар келтирдилар. Бундай раҳбарлар жумласига район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Халилов ҳам киради. У меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига бюрократларча муносабатда бўлмоқда. Маҳаллий Совет депутатларининг талаб ва истакларига қулоқ солмаётир.

Музокарада сўзга чиққан Октябрь революцияси номли заводнинг цех бошлиғи Рубенштейн, 7-фабрика директори Толстов, тепловоз депоси партия ташкилотининг секретари Маделов, район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Атауллаев, «Красная заря» тикувчилик фабрикасининг мастери Акромова ва бошқа ўртоқлар кадрларни қунт билан тарбиялаш, кибрланиб кетишларга йўл қўймаслик ва ходимларнинг ишчанлик қобилиятларини ошириш соҳасидаги вазифалар ҳақида гапирдилар.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ЯХШИЛАНСИН

Докладчининг сўзи тугади. Минбарга бугдой ранг, паст бўйли, ўрта ёшдаги киши кўтарилди. Бошидаги чуст дўпписининг уёқ-бу ёғини тўғрилаб бўлгач, залдагиларни кузатиб чиқди. Йиғилиш ҳайатидагиларнинг баъзи бирлари билан кўз уриштирди.

— Аввало,— деди у майинлик билан,—менга биринчи сўзни берганликларинг учун ғоят миннатдорман. Мажлисдан фойдаланиб, ичимдаги бор-йўқ сўзимни ўртага ташлайман.

Нотиқнинг бу сўзларидан кейин зал сув қўйгандек тинчланди. Ҳамманинг эътибори Обид Саидазимовда эди. У гапга жуда чечан экан. Қўлидаги конспектини бир четга суриб қўйиб, чунон гапирдики, асло қўяберасиз. Кишиларнинг руҳини кўтариб туриш, кадрлар билан ишлаш ҳақида қанчадан-қанча гапларни тахлаб ташлади.

— Бизлар,— деб сўзида давом этди, у,— врачлардек кишилар психологиясини билишимиз керак. Врачлар беморни дори-дармон билан даволаса, биз харидорларнинг дидига мос кийим-бош билан таъминлашимиз керак. Нотиқ тартиб ва қоидалар ҳақида қанчадан-қанча гапириб, ўз сўзини қуйидагича якунлади:

— Биласизми, ўртоқлар! Харидорбоп кийимларни прилавка остига яшириб қўйди дейишибди. Яна газетада танқид қилишди. Суратимни ҳам босиб чиқишганини айтмайсизми. Бунга тоқат киломайман. Ахир молни мен бекитганим йўқ. Уни бошқалар қилишган. Мен аввал ҳам коллективимиз билан иноқ эдим. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Бошқалар ҳам мен каби ўз ролини тушуниб олсинлар.

Кимдир нотиқнинг сўзига чапак чалди. Мажлис ҳайатидагилар бир-бирларига тикилиб олишди. Госпиталь бозорининг қоқ ўртасидаги 78-магазиннинг директори минбардан тушар экан, ўзида йўқ хурсанд эди. Гўё у танкидчиларни бопладим- ревизорлар келишмайдиган бўлди деб мийиғида илжайиб ҳам қўярди.

Сўз 19-магазин директори Абдураззоқ Валиевга берилади. Унинг сўзи докладчи—партия бюросининг секретари Тожи Юсуповникига бутунлай қарама-қарши бўлиб чиқди. У докладчини жойлардаги ҳаётни яхши билмаганлиги ҳақида жуда ўринли фактларни келтирди. Докладчи 19-магазин савдо обороти бўйича кварталнинг планини бажармади деса, ўртоқ Валиев бу бекор гап, планимизни алла қачон дўндирганмиз, деди. Осмонга қараб оғизга келганни гапиравериш инсофдан эмаслигини айтди. Шу билан бирга ўртоқ Валиев партия ташкилотининг раҳбарлик иш услубидаги жиддий камчиликлар ҳақида гапирди. Унинг гапига қараганда ўртоқ Юсупов савдо ходимлари ўртасида тарбиявий-тушунтириш ишлари олиб боришда ташаббус кўрсатмаяпти. Бошланғич партия ташкилотларининг иши ҳақидаги ҳеч ким ҳеч нарсани эшитмаяпти. Ҳатто

ҲАР БИР ШОНА—МЎЛ ҲОСИЛДАН НИШОНА

ЛАВҲА САДОҚАТ

Уч-тўрт кунги ёмғирдан кейин булутлар чодири йиртилди. Кўк юзида қуёш чарақлаб, ер узра нурини — олов селини пуркай бошлади. Бу нур — ҳарорат дов-дарахтларга ҳам, поёнсиз далалардаги экинларга ҳам гўё жон бахш этгандай яшнатиб юборди. Ҳа, мана бу маккажўхоризорга бир назар ташланг. Поялари сув шимиб, озиқ ҳам шарбат шимиб тўлишган ўсимликлар худди қулоғидан тортгандай, кўкка бўй чўзяпти. Кеча яқиндагина ер бағирлаб, ёмғир пайдо қилган қатқалоқ орасида ҳолсизланган «дала маликаси»нинг бутун билак кучини сарф этган, юрак ҳароратини бахш этган, субҳидамдан шомгача тер тўккан инсон бўйи билан ўпишаётганини кўрганингда деҳқоннинг миришкорлигига таҳсин ўқийсан киши.

Бу деҳқон ким? Ким экан у об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, шиддатли ёмғир селларидан чўчимай, ўзи уруғ қадаган ўсимликнинг ҳар бир тупини кўз қорачиғидай асраб, шу даражага етказган? Бу ёш деҳқон коллектив ҳаёт қизи — Маъфират!

Ана у: икки ўрим қора сочини дуррасига чирмаб, бошига чамбарак қилиб олган. Лобар қизнинг тўлишган вужудидан куч ёғилиб турибди. Маъфират шу ям-яшил экинзорларга маъноли кўзлари билан боқади. Ҳув пайкал ўртасида ўсимликлар тупи тагини сўнггги бор юмшатаётган Саидаҳмад акага сингиллик меҳри билан назар ташлайди. У-ҳў, «дала маликаси»ни мурғакликдан то эрта-индин сўта бойлайман, деб ўзини кўз-кўз қилиб турган шу ҳолга келтиргунча Саидаҳмад ака озмунча тер тўкдими? Моҳир механизатор звенонинг обрўси учун жон қуйидирди, тонг палласида ҳам, шом қуйилганида ҳам экинзордан силжиганги йўқ. «Дала маликаси»ни қатқалоқ қақшатиб қўймасин, ўт бўғзидан бўғиб қўймасин, йўқ, у меҳнатимиз меҳрини эмиб гуркираб ўссин, ҳосилдор бўлсин, деган эзгу ният билан руль буради.

Маъфират гоҳ кўринмай, гоҳ кўринмай маккажўхоризор оралаб кетди. У поялар тагини очиб, илдизнинг бақувватлигини, унга культивация пичоқлари заррача зарар етказмаганлигини, Саидаҳмад ака универсални жуда эҳтиётлик билан бошқарганлигини кўриб мамнун бўлди.

У пайкал этагига етиб, бир ариқ оқаётган муздек сувга қўлини юваётганида бу ерга бригада бошлиғи Абдураҳмон ака келиб қолди. Ўртада суҳбат бошланиб кетди. Булар нима ҳақида гаплашарди дейсиз? Ғўзанинг ривожи ҳақида, «дала маликаси»нинг соғлом ўсаётганлиги ҳақида фикр юритишади-да.

Абдураҳмон аканинг бригадаси асосан пахтакор бригада. Яна йигирма беш гектар мана шу маккажўхоризори бор. Демак у ҳар иккала экиннинг ҳосилдорлиги учун жавоб беради. Шунинг учун ҳам кунига лоақал бир марта Маъфиратларнинг ишидан хабар олиб, камчиликларни тузатиш учун маслаҳат бериб турмаса кўнгли тинниб-тинчимайди.

Маъфират-чи? Бу қиз фақат ўз «дала маликаси»ни ўйлайди дейсизми. Йўқ. У ғўзани ҳам ўйлайди. Ғўзанинг аҳволи яхши бўлса ич-ичидан қувониб, агар қатқалоқ босиб, ўт ўрганини эшитса бригаданинг барча аъзолари қатори ич-ичидан куюнади. Нега? Шу пайкалдаги маккажўхори ҳам, поёнсиз далалардаги ғўзалар ҳам — ҳар иккала экиннинг ҳосили ўзиники — коллективники!

— Абдураҳмон ака, — сўради Маъфират юзига жиддий тус олган ҳолда, — ғўзамизнинг ривожи қалай?

— Чакки эмас, синглим, — сен бориб кўрган вақтингдагидан тамомила бошқача. Қатқалоқдан қутилган ғўзалар ер, қуёш ҳароратидан баҳраманд бўлиб дуркун ўсаяпти. Ўтнинг тухумига ўт қўйдик. Бир текис шонага кирди. Азаматлар буёғини бўшаштирмаса ўша аҳдимиз аҳд. Ўттиз беш центнердан тўкамиз дедикми, тўкамиз.

Маъфират бир нафас хаёлга чўмди. У бундан икки-уч ҳафта илгари сел кетганлигини, эндигина уч-тўрт чинбарг чиқарган ғўзалар шу сел таъсирида шикастланганлигини эслади. Йўқ, бригада аъзолари унча-мунча қийинчиликлардан

Ўртоқ Маъфират ОРИПОВА

★ ★

чўчийдиган кишилар эмас. Матонатли, заковатли одамлар. Бир ёқадан бош чиқаришди, бир тан-бир жон бўлишиб селга селдай ёпишишди. Кези келганда ўтга қарши курашилди, қулай фурсат келдими, универсаллар овози гуриллади, ёмғир суви заҳрини қочириш керакмиди, шундай пайтда эгатлардан жилдиратиб сув оқизилди, ҳолсизланган ғўзаларни тўйдириш лозиммиди, ҳа, керагича озуқа берилди. Мана бугун ҳамманинг чеҳраси ёруғ, негаки, ғўзалар бўлиқ!

— Маъфират, — деди шунда звено бошлиғининг ҳаёлини бўлиб Абдураҳмон ака, —сени маккажўхорикорлар звеносига бошлиқ қилиб тайинламоқчи бўлганимизда «мен буни уддалайолармикинман» деб иккиланганинг эсингда борми?

— Ҳа, эсимда.

— Хўш, энди нима дейсан?

— Сизлар ҳақ экансизлар. Коллектив ҳаёт одамни тарбиялаб, аста-секин камолатга етказар экан. Мана, менга иш ўргатгансизлар. Энди кўзим пишиб қолди. Юрагимдан иккиланишни ҳам, чўчишни ҳам чиқариб ташладим. Унда фақат меҳнатга, «дала малика»мга меҳр-муҳаббат қолди.

Бригадирнинг чеҳрасига табассум ёйилди. Ахир у колхоз правлениеси маккага кимни звено бошлиғи қиласан, деб сўрашганида Орип аканинг қизи Маъфиратни, ғайратли, қалби олов қиз, деб айтган эди-да. Қарабсизки, янглишмади. Маъфират ишончни оқлаяпти. Гап фақат звено бошлиғининг қўлига кетмон олиб «дала маликаси» қатор ораларига сув тараётганлигида — ўсимлик томирига қон оқизаётганлигида эмас, унинг ташкилотчилигида. Кишилар н и н г юрагига қўл солиб, уларни меҳнатга илҳомлантириб, хайрли ишга сафарбар қила олишида. Ҳа, мана шунинг уддасидан чиқаяпти бу қиз. Демак келажакда жонажон колхозининг энг яхши кадрларидан бири бўлиб қолади бу қиз!

Оқшом қуйилиб, енгил шабада эсиб «дала малика»ларни шу шабада эпкинида келинчаклардай эгилиб гўё салом берарди. Пайкаллар файзигафайз қўшилганди. Кеча культивациядан чиққан карта эгатларига таралган сувга эндигина кулиб боққан ой нури тўкилиб, кумуш бўлиб ўйнарди. Ана шу пайтда бригадир Абдураҳмон ака ҳозиргина «пўлат от»ини қантарган Саидаҳмад, қулоқлар бошига ўринлатиб чим босишни тугатган Маъфират билан хайрлашиб, пахтазорга йўл олди. У тунги суғоришни кўздан кечирмоқчи эди. Маъфират бўлса қишлоққа жўнади...

Идорада звено бошлиғини колхоз ранси Абдулла ака Ортиқов очиқ чеҳра билан қарши олди:

— Ҳорма, қизим, маликаларингнинг бўйи бўйингга етганлигидан хурсандмисан, — сўради у, кейин қўшимча қилди,— сенга хушхабар бор.

— Қандай хушхабар экан у, унинг ҳақида ким нима деган экан, Маъфират шулар ҳақида хаёл сураётганида Абдулла ака унга конверт тутқазди. «Калинин номли колхоздан, Роза Отабоевадан».

Маъфират юз-кўзларида шодлик намоён бўлгани ҳолда конвертни очди-ю, шу жумлаларни ўқиди: «Дугонам Маъфират, юракдан салом, чақиригингни бажонидил қабул қилдим. Яхши ўйлабсан. «Дала малика»мизнинг қадри ошаберсин. Устозимиз Любовь Линнинг сен ва мен каби шогирдлари кўпаяберсин...»

— Чақиригингни қабул қилибдими, — Абдулла ака синовчан назар ташлаб сўради.

— Ҳа, — жавоб берди Маъфират. Бажонидил қабул қиламан, дебди...

Воқеа мана бундай бўлган эди: Маъфиратнинг «дала маликалари» бўйи эндигина тўпиққа урганди. Шивалаб ёмғир ёғиб турарди. Абдулла ака билан Маъфират эса қачон озуқа бериш керак, қачон сув тараш керак, дастлаб қайси пайкалга культивация солса бўлади, ана шуни аниқлаб-белгилаб юришарди. Шунда ранс:

— Маъфират, қўшни колхозлик Роза ҳақида эшитганмисан, — деб сўраб қолди.

— Газеталардан ўқиганман, суратини ҳам кўрганман, уста маккажўхорикор, — жавоб берди.

— Уста маккажўхорикор дедингми, сен-чи? Сен Розачалик бўлолмайсанми. Ёки кучинг етмайдими? — луқма ташлади.

Бу гап Маъфиратга қаттиқ ботди. Нега одам қилган ишни одам қилолмайди. Йўқ, ҳамма гап интилишда, ғайрат-шижоатда. Миллионлар қатори эл бахти учун астойдил меҳнат қилишда қолган.

Ана шуни ўз қалбида чуқур ҳис қилди Маъфират. Кейин:

— Беллашиб кўрганим бўлсин, — деди дадиллиқ билан.

Абдулла ака ўзида йўқ хурсанд эди. «Ундай бўлса шу бугунок Розага хат ёз, гектаридан эллик беш центнердан дон, бир минг беш юз центнердан кўкпоя олмоқчи эканлигини билдир». Ранснинг маслаҳатн шу бўлди.

Бугунги Розадан олинган хат ўша чақириққа жавоб эди. Маъфиратнинг кўз ўнгида ўша маккажўхоризор намоён бўлиб кетди. Унинг назарида ҳозир шу пайтда «дала маликалари»нинг бўйи гўё уч-тўрт метрга етиб қолгандай, ҳар бир туп чиқарган уч-тўрттадан сўтада зар попуклар қуёш нурида янада жилоланаётгандай туюлиб кетди.

Ҳа, шундай бўлади. Маъфиратнинг хаёллари тез орада ҳақиқатга айланади. Негаки, Ватанга садоқатли, эл-юртига садоқатли, «дала маликаси»га садоқатли лобар қиз меҳнатининг илк самаралари кўзга ташланиб турибди.

Усмон ЖОНГИТОВ

Янгийўл. «Ленинизм» колхози.

❁Озиқлантиришни культивация билан бир вақтда ўтказинг ❁Ғўзанинг талабига қараб қондириб суғоринг ❁Бегона ўт ва ҳашаротларга қарши кескин курашинг!

ҒЎЗА ШОНАЛАДИ

Деҳқонининг бахти билан ўлчанадиган долзарб кунлар ўтиб бормоқда. Ҳозир ғўза парваришида айни ҳосилга ҳосил қўшадиган паллалар.

Буни Янгийўлдаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг пахта миришкорлари жуда яхши тушунишади. Бу йил 1271 гектар майдонда меҳр қўйиб соғлом ғўза ўстираётган азаматлар кузда гектаридан 34 центнердан хирмон кўтаришга қатъий сўз беришган.

Ўз сўзларига амалий иш билан жавоб бераётган колхозчилар барча майдонларда ғўза парваришини намунали ўтказишяпти. Ўсимлик қатор ораларида сифатли культивация ўтказилиши билан бирга озиқлантириб ҳам кетиляпти. Ҳозир ғўзалар иккинчи ишловдан чиқарилди. Парвариш эрта бошланган майдонлардаги ниҳоллар текис шоналади.

Шу кунги дала ишларида колхознинг ўртоқ О. Тешабоев бригадаси олдинда бормоқда. Колхознинг Н. Бозорбоева, М. Парпиев, Б. Абдуллаев, А. Абдураҳмонов ва С. Иброҳимов сингари меҳнатсеверлари далада астойдил шижоат кўрсатишяпти.

Қ. БУЛГАНБОЕВ.

АНИҚ МАҚСАД САРИ

Оққўрғондаги «Ленинобод» колхози меҳнаткашлари бу йил катта ишга бел боғлашган. Улар колхознинг бундан уч йил муқаддам қўлдан бой бериб қўйган шуҳратини қайта тиклаш иштиёқида пахта далаларида астойдил фидокорлик кўрсатишяпти.

Ҳўжаликда шу кеча-кундузда ғўза парваришига қизғин тус олдириб юборилган. Мавсумда жами 1613 гектар пахта майдонининг 840 гектарига икки ёқлама, қолганига узунасига ишлов берилади. Ҳозиргача 670 гектар майдонда узунасига ва 120 гектар майдонда кўндалангига культивация ўтказилди.

Шунингдек, бу тадбирларга яганалаш, чопиқ, бегона ўтларга қарши кураш сингари дала ишлари ҳам намунали қўйиб олиб борилмоқда.

Н. ТУФОНОВ.

ТИЛОВ ОТА—БРИГАДИР

Тилов ота кўп йилдан буён колхоздан қарилик нафақаси олади. Лекин, суяги деҳқончиликда, қотган эмасми, қараб туролмайди. Колхозга чиқиб, дала ишларида пахтакорларга кўмаклашиб туради. Уларга қимматли маслаҳатлар беради.

Эрта баҳор кунларининг бирида Тилов ота ариза ёзди-да, правлениега борди. Раисга учрашди.

— Мана, бу аризам. Хабарим борки, Сотиболди Хаитбоев тажрибасизлик қилиб, бригадасини анча чўктириб қўйибди. Мени ана шу бригадага бошлиқ қилиб тайинласанглар. Мен қариганда ишлаш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяй, — деди ўшанда, ихлос билан хат битилган бир варақ оқ қоғозни раисга узатаркан.

Олдинига райс рози бўлмади. Бироқ кейинги суҳбатда кексанинг талабини инобатга олишга қарор қилди.

Правление мажлисида Тилов ота ўзи хоҳлаган қолоқ бригадага бошлиқ қилиб тайинланди.

Тилов ота Сафаров бригадаси кўклам дала ишларига қизғин киришиб кетди. Бригада чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрди. Яхши тайёрланган майдонларга чигит эрта экилиб, ернинг ўз намига бир текис ва бехато ундириб олинди.

Ҳозир бригада далаларида ғўза парваришига ишлар қизғин бормоқда. 130 гектар ердаги ғўза иккинчи ишловдан чиқарилди. Далада бирорта бегона ўтни кўрмайсиз. Олди ғўзалар шоналади.

Т. ЮЛДОШЕВ

Ўрта Чирчиқ. «Ленин йўли» колхози.

★ ★

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

«Май ойининг охирига қадар барча майдонлардаги ғўзаларга иккинчи ишлов беришни тугаллаймиз!» Бўна ишлаб чиқариш бошқармасидаги Жамбул номли колхоз пахтакорларининг долзарб кунлардаги жанговар шиорини шундай эди.

Мана, ўртоқ П. Ўталбоев бошлиқ бригада пахтазорлари. Бу ерда юз гектар майдонда «оқ олтин» етиштирилмоқда. Аҳд чанки эмас —25 центнер! Аммо унга эришишнинг ўзи бўлмайди. Деҳқонлар буни яхши тушунганлари ҳолда дала ишларини ишнинг нўзини билган ҳолда бажармоқдалар.

Ҳозирга қадар ғўзалар биринчи парваришдан чиқарилди. Механизатор Ўртоқ А. Қуролбоев қатор ораларини малҳамдай қилиб юмшатди. У бир кунда 8—9 гектар пайкални қўлдан чиқармоқда. Ҳозир ғўзаларнинг авжи яхши. Сувчилар лозим бўлган жойларга сув тараяптилар.

Колхознинг Қ. Хўжақулов, Б. Эргашев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида бажарилаётган ишлар ҳам кишини қувонтиради.

А. ЭРГАШЕВ.

МИРИШКОРЛАР ДАЛАДА

Яшиллик далаларга қанчалар файз киритган. Уфқларгача туташиб кетган нафтдек текис пахта майдонларининг тенгсиз жамоли кишини ўзига мафтун этади.

Карталарда қулф уриб ўсаётган бўлиқ ғўзалар азамат пахтакорларнинг фидокорона меҳнати, ғайрат ва шижоатидан далолат бериб турибди.

Бу Бекободдаги Навоий номли колхознинг ўртоқ Н. Маматқулов бригадаси далалари.

Бригада аъзолари бу йил 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилишган. Далада ана шунга яраша иш қилинмоқда. Ҳозиргача барча майдондаги ғўзаларга икки марта ишлов берилиб, бегона ўтлардан тозаланди.

— Ҳозир парваришни айни кучайтирадиган, ғўзани бутлайдиган вақт, — дейди бригада бошлиғи — Парвариш кечиндими ҳосил кечикади, хирмоннинг баракаси кетади. Шуни яхши билган бригадамиз миришкорлари ғўза парваришини ўз муддатида сифатли ўтказмоқдалар.

Ж. АЛИМҚУЛОВ.

Бу кўзбўямачилик эмасми?

«Сельхозтехника»нинг Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси бўлимидамиз. Девор олинган катта майдон, бир бурчакда янги олиб келинган қишлоқ хўжалик машиналари, унинг атрофига турли-туман темир-терсак йиғиб қўйилибди.

Колхозлардан капитал ремонт учун келтирилган тракторларга ҳали қўл тегизилмаган, навбат кутиб ётибди.

Кўримсиз бинога жойлашган устахонага кириб ҳайрон қоласиз, юзлаб қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қиладиган бу жойда биттадангина фрезер ва токар станоклари бор. Яна бир-икки станок иккинчи бир хонада ремонтга муҳтож. Устахонада ишчилар учун шароит яратилмаган. Иш жойлари ифлос, турли кўргазмали диаграммалар, иш нормативлари йўқ.

— Ремонт базаси бу аҳволда бўлса, тракторлар ремонти қандай бажарилади, — сўрадик.

Бўлим бош инженери ўртоқ Т. Нишонов бироз сукутдан сўнг сўз бошлади:

— Ремонт бўйича аҳволимиз чатоқ, лекин иложини топаяпмиз, сабзавот, картошка 100 процент экилган, тракторлар ремонти ҳам бажарилган. — У, идорага кирганимизда ҳам мақтаниб гапириб, қўлимизга 6 бетлик маълумотни берди-да, — ремонт ишлари билан танишинг, — деди.

Албатта, маълумотлар бўйича ҳамма иш жойида эди. Ҳақиқий аҳволчи? Бу ўринда шу райондаги «Москва» колхозининг механиги Қ. Алимбеков, Навоий номли колхоз механизация бўйича раис мовуни, область советининг депутати О. Тожибоев ўртоқларнинг хатларини мисолга келтирсак, аҳвол аён бўлиб қолади. Мана, биринчи хат:

«Сельхозтехника»га р е м о н т учун топширилган 2 трактор бир неча ойдан буён ремонт қилинмай ётибди. Қолган 22 та тракторни ўз кучимиз билан ишга шай қилиб қўйдик. Бизларни «Сельхозтехника» раҳбарларининг кўзбўямачилиги таажжублантирмоқда. Улар ўз маълумотларида биз ремонт қилган тракторларни «Сельхозтехника» ремонт қилди, деб кўрсатган. Бирорта эҳтиёт қисм оламизми деб дефектний ведомост тузамиз, барибир бу ведомостдаги ихтиёт қисм ҳам уларнинг маълумотига ўтади-ю, биз яна ҳеч қандай наф кўрмай қолиб кетамиз. Бу кўзбўямачилик 2 йилдан буён давом этмоқда. Биз трактор эҳтиёт қисмларини қўшни Қозоғистон «Сельхозтехника»сидан олиб келаётирмиз. Биз ўзимизнинг «Сельхозтехника»дан эҳтиёт қисмлар ололмаяпмиз, бизни бу аҳвол ҳам ҳайратда қолдирмоқда».

Мана, иккинчи хатнинг мазмуни:

«Колхозимизда 29 та трактор бор, бу тракторларни колхоз ҳисобидан ремонт қилдик. Битта «КД-35», иккита «ДТ-24», саккиз универсални ўзимиз яқинда ремонтдан чиқардик. «Сельхозтехника» бўлимидагилар бу тракторларни ўзларининг маълумотларига ёзиб қўйибдилар. «Сельхозтехника»дан эҳтиёт қисмлар олиш мақсадида ғайри-қонуний равишда дефектний ведомост тузишга мажбур бўлаётирмиз, шундай қилмасак ҳеч нарса ололмаймиз. Яна бир қизиқ нарса шу ердаки, ремонт вактида «Сельхозтехника»дан бирор раҳбар келиб ремонт иши билан қизиқмайди. Башарти «Сельхозтехника»га ремонт учун трактор топширсак у ерда жуда узоқ туриб қолади. Бунинг устига яна сифатсиз ремонт қилинади. Масалан, «КД-35» трактор моторини 13 ой деганда ремонтдан чиқариб бердилар. Яқинда бу моторни тракторга ўрнатиб фойдаланмоқчи бўлган эдик, ишламай қўйди. 2 та «ДТ-54» тракторини ремонтга топширганимизга анча вақт бўлди. Бир тракторимиз ҳамон ремонт қилинмай. «Сельхозтехника» бўлимида чанг босиб ётибди».

Биз «Сельхозтехника» бўлими хизмат қилаётган колхозларда бўлиб механизаторлар ёзган хатдаги фактлар тўғри эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Ҳақиқатда колхозлар ўз маблағи ҳисобига ремонт қиладилар. «Сельхозтехника» раҳбарлари эса бу ремонтларни «биз қилдик» деб маълумот ёзишган. Колхоз ва совхозлардаги ҳақиқий аҳволни билмайдилар, жойларда бўлмайдилар. Маълумотлар очиқдан-очиқ кўзбўямачилик асосида тузилади. Навоий номли, Собир Раҳимов номли ва «Москва» колхозларида маълумот бўйича ҳамма тракторлар далада ишлаяпти деб кўрсатилган. Аслида юқорида номлари кўрсатилган колхозларда жуда кўпчилик тракторлар ремонти тугамаган, айрим тракторлар эса бир кун ишлабоқ яна ремонтга муҳтож бўлиб қолади.

Колхозлар эҳтиёт қисмларга муҳтож, бу аҳвол «Сельхозтехника» раҳбарлари томонидан ўрганилмаган. Масалан, Собир Раҳимов колхозида «КД-35» трактори бир ўқи бўлмагани учун ўтган йил июнь ойидан буён ишламай турибди. Шу колхознинг 5 та универсал двигатели сифатсиз ремонт қилингани учун оз кундаёқ ишдан чиқиб қолди.

Қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қиладиган бундай база нега ташландик ҳолда, нега машиналар учун бостирма қурилмаган. Ремонт ишлари ўтказиладиган жой қаерда? Бу саволларга «Сельхозтехника» бўлимининг раҳбарлари (директори Н. А. Фомин) аниқ жавоб беролмайдилар.

— Қурилиш ишларига пул ажратилган, якинда иш бошлаб юборамиз, — дейди улар.

Колхоз ва совхозларни айланиб чиққанимизда ўртоқ Т. Нишонов мақтаниб гапирди-ю, ҳақиқий аҳвол аниқ бўлгач, пасайиб қолди.

Инженер Т. НИШОНОВ: Ремонт ишин колхоз қилар, не гамим бор, Планларим ҳамиша юз, не камим бор?..

М. Воробейчиков чизган расм:

★

— Ҳа, область «Сельхозтехника»сидан ҳеч нарса олмаётирмиз, айниқса совхозларда аҳвол оғир,— деди у. Маълумотларнинг сохта тузилганига бирор нарса дейишга қийналди. Чунки маълумотлар остида унинг ҳам имзоси қўйилганда.

Трактор қисмлари ва умуман трактор ремонти жуда қимматга тушаётгани, колхоз ремонт қилган тракторларни «Сельхозтехника» ҳисобига ўтиб кетиши, тракторлар ремонт базасини талабга жавоб берадиган эмаслигини ҳисобга олиб, область «Сельхозтехника»си бирор чора кўрар деган умиддамиз.

В. МАҲКАМОВ,
Р. ИСҲОҚОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

„ХИЁНАТЧИЛАР“

Бекобод матлубот жамиятига қарашли «Чаноқ» рабкоопида ўрнашиб олган бир группа нопок шахслар жамоат мулкини талон-торож қилаётганликлари редакцияга хабар қилинган эди.

Қуйида мазкур хат юзасидан текшириш ўтказган область матлубот жамияти правлениесидан олинган жавобни босаётирмиз:

«Хатдаги фактлар тўла тасдиқланди. Растратчи Усмонов, Умаров ва Султоновлар жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳархил найранглар билан 550 сўм пулни ўзлаштириб, 13.750 килограмм иккинчи сорт унни нон ёпилди деб қалбаки хужжатлар билан расмийлаштирган конвойхона мудири Иброҳимов вазифасидан четлатирилди. Унинг устидан жиноий иш қўзғатиш учун ревизия материаллари прокуратурага топширилди. Шунингдек область матлубот жамияти правлениеси рабкооп правление раиси Хамраевни ишдан олишга қарор қилди. Бу қарорнинг бажарилишини таъминлаш район матлубот жамияти правлениесининг раиси ўртоқ Ўрунбоевга топширилди.

Тошкент область матлубот жамияти правление раисининг ўринбосари А. Пўлатов».

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Редакцияга келган бир хатда Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли М. Горький ҳамда Карл Маркс номли колхозларнинг меҳнаткашлари район марказига борувчилар автобусгача 5.6 километр пиёда юришга мажбур бўлаётгани ҳақида район раҳбарларига мурожаат қилиб жавоб ололмаётганлари айтилган эди.

Мазкур хат текшириш ва чора кўриш учун юборилган эди. Район совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Саломованинг редакцияга маълум қилишича колхозчиларнинг талаби қондирилган. Шу йил апрель ойидан бошлаб М. Горький ва Карл Маркс колхозларига автобус қатнай бошлаган.

«ХАЗИЛКАШ МАГАЗИНЧИ»

Бекобод район 2-«Далварзин» совхозининг 6-бўлимидаги 10-магазин мудири А.Бектўраев харидорлар ҳақига хиёнат қилмоқда. У тароздан, ҳисобдан уриб қолганда, «нега бундай қиляпсиз» деб сўрасангиз «хазиллашдим» дейди. Бундан ташқари саноат, озиқ-овқат молларининг нархлари ёзиб қўйилмаган, магазинда моллар бетартиб ётади, дейилган эди юқоридаги сарлавҳа билан редакцияга келган бир хатда.

Бекобод матлубот жамияти правление раиси ўртоқ Ўринбоевдан олинган жавобда айтилишича, редакция юборган хат юзасидан текшириш ўтказилганда, унда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. «Хазилкаш» магазин мудири Бектўраевга қаттиқ виговор эълон қилинган.



Универсалчи ўртоқ С. Аноров «дала маликаси» қатор оралари ни юмшатмоқда.

А. Абалян фотолари.

Ҳаётга қайтиш

ҲИКОЯ

□ □

Бир вақтлар у билан қалин дўст эдим. Кейин орамиз узоқлашиб қолди. Наҳот киши шунчалар ўзгариб кетса?!..

Ўша куни Норматни роса қидирдим. Кўнгли учдими, ерга кирдими — йўқ. Топиб бўлмади. Икки орада Лобардан хижолат бўлганим қолди. «Бугун шанба, ишдан чиқиб тўғри кинога кирамиз» деган эдим, алдамчи бўлдим. Эртаси куни андак даҳанаки жанг қилиб олдик. Ҳа, унинг одати шунақа. Соат стрелкасидай тўғри айланмасанг, ўзи айланириб, изга тушириб қўяди. Раз «саккизга» дедими, худди ўша айтилган соатда айтилган жойда ҳозиру-нозир бўлиб туришинг керак. Аксига, Нормат оёғим остидан чиқиб қолиб, хотинимга берган муқаддас ваъдамни ҳам унутдим. Ҳозир ҳам унинг башарасини кўриб тургандайман, ўзгариб кетибди. Ўттизга бормай туриб қариб қолганга ўхшайди...

Мени хаёл чулғаб олди. Қаергa бормай, ким билан сўзлашмай, кўз олдимда Нормат турарди. Тўғрини кўр унга дуч келдим. Тўғрироғи, мен уни эмас, унинг ўзи мени йўқлаб келди. Кечқурун эди, дарвозамизни тақиллатди. Бу гал ичмаган эди. Соч-соқоли тарашланган. Лекин устидаги кийими боғлиқ-боғлиқ, жулдир-жалло. «Бирор ният билан келмадимикин», деган хавотирда дастлабига бироз чўчидим. Шундай бўлса-ҳа, сирбой бермай ичкарига чорладим. Аввалига тортиниб кўнмади.

— Мени кечир, шу ердан қайтақолай, шу алпозда... — деб афт-ангорига ишора қилди. — Сенга икки оғиз арзим бор эди...

— Гап бўлса қочмас, қани, ичкарига кир, — дедим.

Кўнди. Ошхонада ойисининг этагига ўралашиб ўйнаб юрган ўғлим деразадан мўралаб, афтини бурштирди. Ичкарига, меҳмонхонага кирдик. Хотинимнинг одати — меҳмонхонадаги столни доим нозу-неъматлар билан тўлдириб, устини юпқа дастрхон билан ёпиб қўяди. Меҳмон келдими — дастрхон тайёр, ортиқча оворагарчилик йўқ.

Нормат билан анчагача гаплашиб ўтирдик. Бошда гапимиз қовушмади. Хотиним мастава олиб кирди

— Қиттай-қиттай қиламизми?— дедим, Нормат индамади. Афтимга қараб қўйди. Қуйиб ичдик. Шундан кейин Нормат ўзини эркинроқ ҳис этабошлади. Ешликда бирга ўқиб, бирга ўйнаб юрганларимизни эслади. Дарс вақтида қизларнинг сочини бир-бирига боғлаб қўйиб, танаффусга қўнғироқ чалинганда «вой-войлаб» қолганларини айтиб кулдирди.

— Эсингдами? — деди ҳўкчак тутиб, тўхтилиб оларкан. — Қуй анов гавилдан.

— Эсимда, — дедим мен унинг руҳини кўтариб.

— Агар эсингда бўлса ана шу дўстлигимиз ҳурмати менга ёрдам бер!

— Ёрдам?!

— Ҳа, ҳа, ёрдам. Мен...

— Ў юрагидагини айтишга қийналарди, — тирик мурда бўлиб қолдим...

Шундай дедию томоғига бир кирса тиқилгандай бўлди. Кўзларида ёш айланди. Нафасини ростлаб, стакандаги юқ-юриқни «ғулп» этиб ютдида гапида давом этди. Кайфи жиндай ошиб қолган эди. Ичкилик оч қишини дарров олади. Чамамда кун бўйи овқат емаган.

— Ҳўп тавбамга таяндим. Ҳалолликка ҳеч нарса етмас экан. У куни сени остановкада учратдиму хизирни кўргандай қувониб кетдим. Тўғри, кайфим баланд эди. Олдингга келиб, салом бердим. Сен мени танимаданг. Ношлож чекиндим. Ўша куни бор пулимга ичган эдим... У ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

— Тўдадан айрилганни айиқ ер, деган эканлар. Мени айиқ еди. Йўқ, айиқ емади, ўзимни ўзим едим. Бўлмаса, мен ҳам сенга ўхшаб ўқимасмидим, бола-чақа қилмасмидим. Онам билан гулдай хотинимнинг уволи тутди мени.

Унинг гулдай хотини бор эди. Нормат ёмон йўлга кирдию хотиндан ажралди. Эртаю-кеч ичиб, маст-аласт келаберганидан, бирор жойда ёлчиб ишлаб топиш-тутиши бўлмагонидан безор бўлган нозик-нозҳол хотини «эсим борида этагимни ёпай» деди-ю отасиникига кетди-қолди. Кўп ўтмай бошқага теғиб кетди.

— Мен бўлсам, мана, ҳали ҳам киргани кавак тополмай юрибман... М-мек тирик мурдаман, билсанми, С-Собир. Мен тирик м-мурда.

Нормат яна ҳўнграб юборди. Кап-катта одамнинг бош эгиб йиғлаб ўтириши жуда ҳунук туйилар экан. Унинг мингани эшаги, киргани эшиги йўқ эди.

— Қўй, хафа бўлма,— дедим уни юпатиб. — Чини билан ҳам қилмишларингдан ўкинаётган бўлсанг, тўғри йўлга қир. Бунинг учун аввало бир ишинг бошини тутишинг керак.

Нормат билан олла маҳалгача гаплашиб ўтирдик. Кайфи жойида бўлгани учун бошқа қуйиб бермадим. У кетмоқчи бўлиб тараддудланган эди, қўймай олиб қолдим.

— Эрталаб чой маҳалда кутилмаган воқеа рўй берди.

— Шу ошнангизни мен қаердадир кўргандайман, бирам сўҳбатси совуққи... — деди хотиним ошхонага киргунимда қулоғимга.

Кўрсанг кўргандирсан, нима қипти, — дедим гапига аҳамият бермай.

— Ўнг чеккасида тиртиғи борга ўхшайдими?

— Ҳўш, тиртиғи бўлса, сенга нима ташвиш?

— Бу ўша, — деди бирдан хотиним шовқин кўтариб. Меҳмон эшитиб қолмасин деб, қўлим билан оғзини тўсдим.

— Ҳой, эсингни едингми?

— Мен эмас, сиз эсингизни ебсиз! Куппа-кундузи хотинингизнинг бўйнидаги марваридга чанг солиб, бир болангизни бошини ерга ўрига уйингиз тўридан жой бериб, зиёфат қилясиз!

— А?... Нима, нима?..

Кўзларим қорайди. Ҳозир кириб Норматнинг ёқасидан олмоқчи бўлдим. Лекин... Шайтонга ҳайф бериб, ўзимни босдим. Барибир, синган косани бутун қилиб бўлмайди.

Бу воқеа бундан уч йил бурун, трамвай остановкасида бўлган эди. Хотиним Лобар у маҳалда ҳали ўқишини тугатмаган эди. Иккинчи фарзандни кутиб юрган эдик. Лобар бир кун ҳа деганда келабермади. Ҳавотир олиб университетга бордим. Йўқ. Кутубхонага бордим. Йўқ. Туғруқхонага кетдимикан десам, ҳали ой-куни тўлгани йўқ. Бошим қотди.

Уйга кеч қайтдим. Ойим ҳам, отам ҳам ҳалламаган экан: «Болам-э, қаёқларда юрибсан, шўринг қуриб қолай деган экан» деб онам йиғлаб юборди. Бир гап бўлдими деб юрагим орқамга тортиб кетди.

Билсам, хотиним боёқиш ўша куни йўлтўсарнинг қўлига тушибди. Куппа-кундуз куни унинг бўйнидаги маржонига чанг солган ўғри ҳали ёруғ дунё юзини кўрмаган фарзандимнинг ҳам жонини қабз этиб кетган экан.

Шу-шу доғда эдим. Қўлимга тушиб қолсайди бир, кек сақлаб юрардим. Хотинимнинг гапи рост бўлса, уйда ўтирган «меҳмон» ўшанинг ўзгинаси. Қоч тортиб, ўз оёғи билан келибди-да...

Хотинимнинг товушини ўчирдиму ўзимни тўхтатолмадим...

Ичкари кирсам Нормат йўқ. Ҳали ўти ўчмай тутаб турган папирос ёнида мен боягина олиб ўзатган фото альбом ётибди. Альбом очиқ. Бир четида мен, иккинчи четида Лобар. Бу суратни у бундан уч йил илгари, ана шу йўлтўсарга учрамасдан бир кун илгари олдирган. Ўша куни бизнинг турмуш қурганимизга уч йил тўлган эди.

Нормат суратни кўрибдию, лип этиб чиқиб кетибди. Яна уни йўқотиб қўйдим.

Бир куни бозорга тушсам, кимнингдир юкини у аравадан туширишяпти. Бир четда кузатиб турдим. Иш тугади. Юк эгаси унинг қўлига хизмат ҳақи учун бир сўм узатди.

— Яна озроқ қўшинг, — деди Нормат.

Юк эгаси яна йигирма тийин узатди.

— Бас, ўғри бўл, инсоф билан бўл!

Юк эгасининг «ўғри» сўзи қаттиқ ботдими, Нормат тутоқиб кетди.

— Ким ўғри? Оғзингизга қараб гапиринг, мен сиздан хизматимга яраша ҳақ сўраяпман...

Бир пас ҳаллласам жанжал чиқадиган. Юғуриб бориб, Норматнинг тирсагидан ушладим. У қаради, қарадию ранги оқариб кетди...

— Сенга пул керакми? Буёққа юр!

Мен Норматдан ўч олмадим. Эгилган бўйнини қилич кесмайди. Ҳаётнинг ўзи жазолаб қўйгани ҳам етар. Йиқилган эмас, йиқилганни турғизиб қўйган мард.

... Мана, беш йилдирки, у мен инженер бўлиб ишлаётган заводда дурустгина токарь. Ишли-тишли одам.

Нормат ҳозир оилалик. Бизникига тортинмай келиб-кетиб туради. Ҳаётга қайтган.

Фатҳиддин НАСРИДДИНОВ.

Республикамиз театр саҳналарида йилдан-йилга янги талантлар пайдо бўлмоқда. Улар ўз нозик санъатлари билан санъатсевар халқимизни беҳад мамнун қилмоқдалар. Бундай санъаткорларни тарбиялаб, саҳнага чиқаришда шубҳасиз, Тошкентдаги хореографик билим юртининг ҳам ўз салмоғи бор. Яқинда фотомухбир А. Тўраев ана шу билим юртида бўлиб, 5-синф ўқувчиларидан бир группасини норейсча рақсни ўрганишаётган пайтда суратга олди.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

31 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Довюран Том** спектакли (Охунбобоев номли ёш томошабинлар театридан), танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар**, 19.35 — **Пенсионер ўқитувчилар ташаббуси**, 19.55 — **Ғўза парваришн илғорларига тенг-лашинг** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 20.10 — **Салом, Гнат!** номли бадиий фильм.

Рус тилида: 21.35 — **Телевизион янгиликлар**, 21.50—**Уруш ва тинчлик** номли бадиий фильмнинг иккинчи серияси (телетомошабинлар талабига мувофиқ).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Москвада бўладиган учинчи халқаро кинофестиваль олдидан, 19.45 дан— **Фрунзе телевидение студияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/V да **премьера Князь Игорь**, 1/VI да **Момақалдироқ сўқмоғидан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —31/V да **Олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/V да **Тошболта ошиқ**, 1/VI да **Ишқинг билан.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Шарқ аёллари — «ВАТАН», «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 7 гача).

Дада сотиб олдим — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 8.40 минутда), «ИСКРА» (кеч 7 яримдан).

Шипка қаҳрамонлари — «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 1, 3 ва кеч 5 да).

Сенинг ҳам севгинг — «СПУТНИК», (кундуз ва кечқурун).

Уруш ва тинчлик (1 ва 2-серия) —«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Азиз дўст — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Жоао Корраль сири — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11.40, кундуз 3-20, кеч 6.50 ва 10.20 минутда).

ЕЗГИ ВИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 8.45 минут ва 10 ярмда бошланади)

Сенинг ҳам севгинг — НАВОИЙ номли.

Пароль — **«Виктория»** — ТЕЛЬМАН номли.

Сўна —1 МАЙ номли.

Очилган сир — «ПАХТАКОР».

Шипка қаҳрамонлари — «ВАТАН» (кеч соат 9 да), «ПОБЕДА».

Шарқ аёллари— «ФЕСТИВАЛЬ».

Дада сотиб олдим — КАФАНОВ номли.

1) **Куба новелласи**, 2) **Реаленго 18** — «ШАРҚ».

Маҳаллада дув-дув гап — «МЕҲНАТ».

Якка уй эгалари диққатига!

ШАҲАРНИ САНИТАРИЯ ЖИҲАТИДАН ТОЗАЛАШ —«САНОЧИСТКА» РАЙОН КОНТОРАЛАРИ

Тошкент шаҳар ижроия комитети томонидан белгиланган ҳақ юзасидан

АХЛАТ олиб чиқиш учун

УЙ ЭГАЛАРИГА ХИЗМАТ КУРСАТМОҚДА

«Саночистка» район конторалари да нақд пулга ахлат идишлари сотиб олиш мумкин.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Саночистка» бошқармаси.

Черешнёвая кўчаси, 79-уйда турувчи **Саид Валиевнинг Гуҷулов** кўчаси, 79-уйда турувчи Ҳамида Валиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар. Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Калинин район Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида турувчи **Мехри Гойповнинг** шу ерда турувчи Халил Гойповдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область. Калинин район халқ судида кўрилади.

Совхоз кўчаси, 9-уйда турувчи **Абдусаттор Абдураҳмоновнинг** Чўпонота, Боғобод кўчаси 178-уйда турувчи Тухла Мирсаматовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар. Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Фрунзе кўчаси, 21-уйда турувчи **Ирина Константиновна Смирнова**нинг Ново-Московский кўчаси, 33-уй, 13-квартирада турувчи Николай Иванович Смирновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар. Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА СИНФИЙ ЖАНГЛАР

АНГЛИЯ

«Стандарт трайамф» автомобиль фирмасининг Ковентридаги заводида олти мингга яқин ишчи иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, забастовкани давом эттиришга қарор қилдилар. 28 майда ўтказилган митингда ишчилар дирекциянинг норационал эксплуатацион ва транспорт ишларини бажариш учун заводнинг техник ходимларини штрейкбрехерлар сифатида жалб этиш ҳақидаги қарорига қарши норозилик билдирдилар.

«Джэгуар нарс лимитед» автомобиль фирмасининг Ковентридаги заводи ишчилари ҳам забастовкани давом эттирмоқдалар.

АРГЕНТИНА

Аргентинада халқнинг демократик ҳуқуқларига реакциянинг ҳужумига қарши норозилик миллий ҳафталиги бошланди. Меҳнаткашларнинг нурашига Умумий меҳнат конфедерацияси бошчилик қилмоқда ва уни прогрессив партиялар, жамоат ташкилотлари ва студентларнинг ташкилотлари қўллаб-қувватламоқда.

«Ҳафталик» программасига мувофиқ, меҳнаткашлар забастовкалар ўтказадилар, митинг ва намойишлар ташкил қиладилар. Буэнос-Айрес порт ишчилари, давлат муассасаларининг хизматчилари забастовкалар ўтказадилар. Улар ҳукуматдан ишсизликнинг тугатилишини, иш ҳақининг оширилишини, нархлар устидан контроль ўрнатилишини, сиёсий махбусларнинг озод қилинишини, прогрессив сиёсий партиялар фаолиятининг тақиқланишини бекор қилишни талаб этмоқдалар.

Умумий меҳнат конфедерацияси меҳнаткашларни 31 майда 24 соатлик умумий забастовка ўтказишга чақирди.

ИТАЛИЯ

Бутун Италияда шаҳарлараро автобус линияларининг ходимлари иш ташладилар. Забастовкани Италия умумий меҳнат конфедерацияси, Италия меҳнаткашлар касаба союзлари конфедерацияси ва «Италия меҳнат союзи» биргаликда эълон қилди. Забастовка эълон қилинишига автобус компаниялари эгаларининг янги коллектив меҳнат битими тузиш ҳақида касаба союзлари вакиллари билан музокаралар бошлашдан бош тортганлиги сабаб бўлди.

УРУГВАЙ

28 майда Монтевидео меҳнаткашлари эълон қилган 24 соатлик забастовка Уругвай пойтахтидаги ҳамма асосий корхоналарнинг ишини тўхтатиб қўйди. Темир йўлчилар, порт ишчилари, аэропорт ишчилари забастовка эълон қилдилар, банклар, электр станциялари, телефон станциялари ишни тўхтатдилар. Меҳнаткашлар иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар. Забастовкада жами 50 минг киши қатнашди.

ҒАРБИЙ БЕРЛИН

Ғарбий Берлин меҳнаткашлари металл ишлаш саноатида ишлайдиган меҳнаткашларнинг яна икки категорияси учун иш ҳақининг оширилишига эришдилар.

Бу ердаги металл ишлаш заводларининг эгалари Германия Федератив Республикасида металлист ишчиларнинг яқиндаги натта забастовкасидан ва Ғарбий Берлинда забастовка хавфи пайдо бўлганидан қўрқиб, ишчиларга яна ён беришга мажбур бўлдилар. Ғарбий Берлин металлистлар касаба союзи ва хизматчилар касаба союзи билан Ғарбий Берлин металл ишлаш саноати корхоналари эгаларининг бирлашмаси ўртасида саноатнинг шу тармоғида хизматчилар ва шогирдлар учун иш ҳақини ошириш нўзда тутилган битим тузилди. (ТАСС).

В. Я. Шебалин вафот этди

Совет музика санъати катта жудоликка учради. Ажойиб совет композитори, педагог, музика ва жамоат арбоби, бир қанча машҳур асарларнинг автори Виссарион Яковлеич Шебалин вафот этди. В. Я. Шебалиннинг асарлари мамлакатимизнинг музика маданиятига анча ҳисса қўшди. (ТАСС).

Иғвогарликларга чек қўйилсин

ГАВАНА, 29 май. (ТАСС). Америка империалистлари революцион Кубага қарши яна ҳарбий иғвогарлик қилдилар. Америка ҳарбийденгиз авиациясига қарашли самолёт 26 майда Кайо-Франсес районида Куба территорияси устида учиб бораётганида Кайбарьендан 27 километр нарида йирик калибрли пулеметдан кетма-кет ўқ узиб, шу районда нефть разведка қилаётган кубалик ишчилар ва совет мутахассисларининг ҳаётига хавф туғдирди.

Куба революцион қуролли кучлари министрлиги ана шу иғвогарлик ҳақида хабар бериш билан, янги агрессив ҳаракат Куба билан АҚШ ўртасидаги кескинликни кучайтириш учун баҳона қидираётган Пентагондаги ва АҚШ марказий разведка бошқармасидаги энг ашаддий милитаристларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилганлигини таъкидлайди.

Куба революцион қуролли кучлари министрлиги Кубага нисбатан доимий қилинаётган агрессив ҳаракатларга яна бир марта АҚШ ҳукуматининг эътиборини қаратди. Бу хил можаролар учун ҳамда улар олиб келиши мумкин бўлган оғир оқибатлар учун жавобгарлик тамомила АҚШ ҳукумати устига тушади, дейилади министрликнинг ахборотида.

Куба революцион қуролли кучлари министрлиги Америка ҳукуматидан масъулиятсизлик билан қилинаётган бу хил ҳаракатларни тўхтатиш учун зарур чоралар кўришни талаб қилди.

Лиссабондаги фожиа

НЬЮ-ЙОРК, 29 май. (ТАСС). Кеча Лиссабондаги катта темир йўл вокзалларидан бирида даҳшатли фалокат рўй берди. Эндигина келиб тўхтаган поезд пассажирлари вокзал биносига кириб келган пайтда тепадан шақир-шақур товуш эшитилиб, бетондан қурилган шип ва том довдираб қолган одамлар устига қулаб тушди. Бир лаҳзада юзлаб киши катта бетон парчалари остида қўмилиб қолди.

ЮПИ агентлиги мухбирининг Лиссабондан хабар беришича, вокзал биносининг ҳаробалари тагидан 50 кишининг жасади чиқариб олинган. 40 киши яралор бўлган. Қутқазиш ишлари давом этмоқда.

Югославия қарз олади

БЕЛГРАД, 27 май. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинган хабарга қараганда, Югославияга 35 миллион доллар миқдорида қарз бериш тўғрисида Югославия делегацияси билан халқаро Реконструкция ва тараққиёт банки ўртасида олиб борилган музокаралар муваффақият билан тамом бўлди. Бу тўғридаги битим июннинг биринчи ярмида имзоланади.

Бу қарз олинган маблағ автомобиль йўллари қуриш учун ишлатилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Абхазияни узоқ умр кўрган кишилар ватани дейишади. Шу ерлик аҳоли Мақсуд Омичба, Астан Шларба, Эдига Омичба ва Теб Шармат 109 ёшга тўлдилар. Лекин қариялар ҳали бардам, ўзларини ёшлардек ҳис қилишади. Улар Очамчир райони Жгерда қишлоғидаги «Правда» колхозида ишлайдилар.

ФУТБОЛ

КЕЛЛЕР ЯНА ҚАНДАЙ БАҲОНА ТОПАРКИН?

Ишқибозлар бу матчни қирқ кун кутган эдилар. «Пахтакор» сафардан кетма-кет бешта мағлубиятга учраб «қурук» қайтган бўлса ҳам ишқибозларда умид бор эди.

— Уз кўзимиз билан кўрайлик-чи, наҳотки командамиз ўзига нелолмаяпти, ўнгланиб ололмаяпти,—дерди улар.

Республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари советининг раиси С. Митрофанов яқинда журналистлар билан бўлган учрашувда команданинг муваффақиятсиз ўйнаётганлигини ўйинчиларнинг жисмоний жиҳатдан тайёр эмаслигида, деб баҳолаган эди. Ҳурматли раис бу ўринда «Пахтакор»нинг ўтган йили қаттиқ чарчаб қолганлигига шама қилган эди. «Лекин,— деган эди у,— нейнинги ўйинларда ҳамшаҳарларимиз чанки ўйнамаяпти». Старший тренер А. Келлер ҳам ўз шогирдларининг ўйини ҳақида команда раҳбарларигна эмас, балки обрўли мутахассис Г. Качалин ҳам яхши фикрда эканлигини, команда айрим тасодифлар туфайлигина ютқазаётганлигини айтган ва танқидларни тан олмаган эди.

Касални яширгининг билан иситмаси ошиқор қилар экан. Ишқибозлар тренерларнинг сўзлари қанчалик «тўғрилигини» ўз кўзлари билан кўрдилар. «Пахтанор» 11 кун дам олгач, «Нефтчи»ни томонидан 5:1 ҳисобида «тор-мор» этилди. Тошкентликлар футболчиларимизнинг ўз майдонида бундай шарманда бўлганини эслай олмайдилар.

Коллективда интизом мустаҳкамланмас экан, тарбиявий ишлар ўзи-бўларчилиқка ташлаб қўйилар экан; «Пахтакор»нинг кучлилар группасидан чиқиб кетиши тайин бўлиб қолади. Ўтган сафар Абдураимов интизомни бузган бўлса, бу ўйинда Моторин коллектив юзига оёқ тираган бўлса, улар нетидан бошқа ўйинчилар ҳам эргашиши мумкин. Лекин республика спорт шарафини ҳимоя қилиш ҳақида қайғирган кишиларнинг ҳеч бири бунга тоқат қилолмайди.

С. МУСАЕВ.

Франция коммунистлари делегацияси Ўзбекистонда

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюроси аъзолигига қандидат ўртоқ Гюстав Ансар бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси масъул ходимлари делегацияси Самарқандда бўлди. Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг архитектура ёдгорликларини кўздан кечирдилар. Бутуниттифоқ қорақўйчилик институтида бўлдилар, бир қанча саноат корхоналарини бориб кўрдилар.

28 майда француз коммунистлар Ўзбекистоннинг қўриқ ерларига — Сирдарё областига жўнаб кетдилар. Янгиерда, область партия комитетида Мирзачўл картаси олдида суҳбат бўлди. Область партия комитетининг биринчи секретари Н. Маҳмудов чўлларга планли суратда ҳужум қилишга асос солган Ленин декрети ҳақида, ҳозирнинг ўзида мамлакатнинг йирик пахтачилик райони бўлиб қолган бу ерларни ўзгартиришнинг келгуси перспективалари ҳақида французлик дўстларга гапириб берди. Чўлларни ўзлаштираётган ёш ташаббускорларнинг меҳнат зафарлари меҳмонларда зўр қизиқиш туғдирди.

Делегация аъзолари Мирзачўлдаги хўжаликлар бўйлаб қилинган сафар вақтида пахтазорларни сув билан таъминлайдиган ирригация иншоотларини кўздан кечирдилар, 6-совхозидаги дала шийпонларидан бирида ихтиёрий равишда қўриқ ерларга кўчиб келган бригада бошлиғи Инобат Охунова билан учрашув бўлди. Инобат Охунова меҳмонларга ўз бригадасининг далаларини кўрсатди. Буларда яхши ривожланаётган ғўзаларнинг текис квадратлари кўзни қувонтиради.

Франция коммунистлари делегацияси 29 майда Тошкентдан Иркутскка самолётда жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

АКТИВЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

Пойтахтнинг Октябрь районидаги «Социализм» маҳалласи бундан 5-6 йил бурун ободонлашмаган эди. Эндиликда эса бу ер таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Маҳалла аҳолиси кўчаларнинг гоза ва озода бўлиши учун тинмай кураш олиб бормоқда

Маҳалла активларининг ташаббуси билан яқинда янги ҳашаматли клуб қуриб фойдаланишга топширилди. Маданият ўчоғининг қурилишида маҳалла отахонлари ҳам енг шимариб меҳнат қилдилар. Бу ишда Ися ота Юсуфжонов, шаҳсий пенсионер Исоқжон ота Иноғомжонов маҳалла комиссиясининг раиси Р. Тоировлар бошқош бўлдилар.

Ҳозир маҳаллада кутубхона, чойхона ҳам ишлаб турибди.

Р. АМИНОВ.

Конкурс ғолиблари... қушлар

... Хона ж и м ж и т. Ҳамманинг диққат-эътибори девордаги михларга ўрнатилган қафасда. Икки жажжи қушча сим тўр ичидаги поғоналарда галмагалдан сакраб, турли оҳангда ёқимли овоз таратмоқда. Бу саъвалар жюри белгилаган ўнбеш минут ичида «нозик», «қўнғироқ ча», «тўлқин», «дам» деб номланган ўн икки оҳангни ўз наволарида мадҳ этиб беришлари керак. Қушлар куйнга тушунувчи мутахассислардан иборат беш кишилик жюри аъзоларн эса уларнинг овозини диққат билан тинглаб, сўнг улар «санъат»ига баҳо берадилар.

Бу ажойиб конкурс пойтахтимизда биринчи марта ўтказилиши. Унинг ташаббускори табиатни қўкламзорлаштириш ва муҳофаза қилиш шаҳар жамиятининг қушлар секцияси бўлди. Қуш ишқибозлари кўпдан бери бундай байрамга ошиқ эдилар. Горький номли маданият ва истироҳат паркининг пионерлар хонасида ўтказ и л г а н биринчи қушлар конкурсида 27 та саъва «беллашди».

Мусобақада Куйбишев райпищчеторги старший товароведи Л. Амлидуснинг иккита саъваси 60 тадан баллга эришиб биринчи ўринни эгаллади ва жамиятнинг 1-даражали дипломини олди. Ҳайвонот боғи рассоми В. Велозеров ва пенсионер И. Воҳидов ўр тоқларнинг қушлари эса 2-даражали диплом билан мукофотланди.

Бундан буён ҳар йилнинг май ойида сайраш бўйича қушлар конкурси ўтказиб туришга қарор қилинди. Унда ҳоҳлаган қуш ишқибозлари қатнашиши мумкин.

Ж. НОСИРОВ.

СУД ЗАЛИДАН

ПАХТА ҚАЛЛОБЛАРИ

Янгийўл пахта заводининг старший товароведлари Т. Расулов ва С. Жонқораев колхозлардан пахта қабул қилиб олишда шахсий бойлик орттиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар ва «уриб» қолинган пахталарни райондаги Карл Маркс номли колхозга ўтказиб турганлар. Расулов 71 тонна, Жонқораев эса 14 тонна пахтани колхозга сотганлар. Колхознинг собиқ раиси А. Султонов ана шундай кўлбўямачиликни кўра-била ҳужжатлар, бригадирларга қалбаки ҳужжатлар орқали кассадан пул олишни топширган. Шундай қилиб 150 тонна қўрак ва 5 тонна пахта учун ҳужжатлар тайёрланган. Собиқ бош бухгалтер М. Сафянов ва собиқ кассир М. Назаров ҳам тайёрланган бу ҳужжатларнинг сохталигини била туриб, пул тўлайверганлар.

Яқинда область суди бу жиноятчиларнинг ишини қараб чиқди. Т. Расулов 12 йил, С. Жонқораев 7 йил, А. Султонов 10 йил, М. Сафянов 6 йил, М. Назаров 2 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

К. ЭГАМҚУЛОВ
юстиция младший маслаҳатчиси.

ОБ-ҲАВО

Бугун Тошкент шаҳрида ва областида ҳаво бироз булутланиб туради. ёмғир ёғмайди, шарқ томондан секундига 3—5 метр тезликда шамол эсиб туради. Тошкентда эрталаб температура 20—22, кундузи 35—37 даража, областда эса эрталаб 18—23, кундузи 33—37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент об-ҳаво бюроси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 31 МАЙ, 1963 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33788. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмохонаси.

Р. 08229. ИНДЕКС 64695. А. 1604.